

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

5-сон
(817)
2018 йил
5 февраль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

83. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 29 январдаги ЎРҚ-463-сон Қонуни

Учинчи бўлим

84. «Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 январдаги 66-сон қарори [Кўчирма]
85. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимча-

лар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили лавозимини жорий этиш тўғрисида» 2017 йил 28 сентябрдаги ПҚ-3294-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 январдаги 67-сон қарори

Бешинчи бўлим

86. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 4 январдаги 1, 1, 01/15-1-10/01-сон «Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича намунавий шартномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2966*)
87. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2018 йил 17 январдаги 2018-05, 8, 01-02/8-5, 2018-1-сон «Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2009-2*)
88. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 19 январдаги 10-сон «Бензин, дизель ёқилғиси ва авиакеросин учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақидаги»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2254-1*)
89. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 19 январдаги 9, 160-мҳ-сон «O'ZBEKISTON POCHTASI» АЈнинг почта алоқасининг минтақавий (вилоят) ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари орқали пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2394-3*)
92. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил

26 январдаги 01-02/12-10-сон «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасида товарларни расмийлаштиришда божхона юк декларациясини тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2154-2*)

93. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2018 йил 26 январдаги 249/6-сон «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомнинг 5-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2893-1*)
95. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 23 январдаги 108-н-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида ҳаво кемаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2214-2*)
96. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 1 февралдаги 62-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 7-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 27 январдан 2 февралгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

83 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2017 йил 18 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «**Банкротлик тўғрисида**»ги 1054–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 414-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 133-модда, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 10, 270-модда; 2012 йил, № 12, 334-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда) **35-моддасининг иккинчи қисмидаги, 38-моддасининг биринчи қисмидаги, 41-моддасининг биринчи қисмидаги, 45-моддасининг иккинчи қисмидаги, 46-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларидаги, 47-моддасининг иккинчи қисмидаги, 48-моддасининг биринчи қисмидаги, 57-моддасининг биринчи қисмидаги, 60-моддасининг биринчи қисмидаги** «Хўжалик» деган сўз «Иқтисодий» деган сўз билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 30 январда эълон қилинган.

2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **13-модданинг:**

биринчи қисмидаги «иккинчи ва учинчи» деган сўзлар «иккинчи — тўртинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «тўртинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар «бешинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **28-модданинг биринчи қисмидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **32-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд мажлисида суд мажлиси котиби вазифаларини судьянинг ёрдамчиси (катта ёрдамчиси) бажаради.

Суд мажлиси котиби жиноят ишини суд мажлисида кўриш учун тайёрлайди; суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида процесс иштирокчиларини хабардор қилади; судга чақирилган процесс иштирокчиларининг келган-келмаганлигини текширади, ҳозир бўлмаган шахсларнинг келмаганлиги сабабини аниқлаб, бу ҳақда судга маълум қилади; суд мажлислари баённомасини юритади; раислик қилувчининг суд муҳокамасини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа топшириқларини бажаради.

Суд мажлиси котиби баённомада суднинг ҳаракатлари ва қарорларини, шунингдек суд мажлиси барча иштирокчиларининг ҳаракатлари, аризалари, илтимосномалари, кўрсатувларини тўлиқ ва тўғри баён қилиб бориши шарт»;

4) **148¹-модданинг биринчи қисмидаги** ва **166¹-модданинг биринчи қисмидаги** «округ» ва «Олий» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **239-модданинг иккинчи қисми:**

4-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилиги билан, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Ўзбекистон Республика-

си фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларининг, иқтисодий, маъмурий ва ҳарбий судларининг судьяларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг хулосаси мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг розилиги билан»;

қуйидаги мазмундаги **4¹-банд** билан тўлдирилсин:

«4¹) Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг аъзосига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг розилиги билан»;

б) **243-модданинг бешинчи қисмидаги, 247-модданинг учинчи қисмидаги, 257-модданинг биринчи қисмидаги ва 267-модданинг биринчи қисмидаги** «округ» ва «Олий» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **389-модданинг:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судловига Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисмида, 118-моддасининг тўртинчи қисмида, 150, 153, 155, 157, 158-моддаларида, 159-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 160, 161-моддаларида, 210-моддасининг учинчи қисмида, 230, 231, 242, 244-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар тегишлидир»;

олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят тўғрисидаги ишни, агар у мазмунан мураккаб бўлмаса, жиноят ишлари бўйича тегишли туман (шаҳар) судига, шунингдек ҳудудий ҳарбий судга кўриш учун топширишга ҳақли»;

8) **405-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Олий» деган сўз чиқариб ташлансин;

9) **414-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тайинланган жазонинг енгиллиги ёки оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш зарурлиги туфайли апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси судининг ажрими, қарори назорат инстанцияси суди томонидан бекор қилинганидан кейин иш кўриб чиқилган тақдирда апелляция ёки кассация инстанцияси судида муҳокама судланувчининг умуман айбдорлиги ёки айбдор эмаслиги тўғрисидаги масалага дахл қилмаган ҳолда жиноятни таснифлаш ва жазо чораси хусусидагина боради»;

10) **478-модда иккинчи қисмининг 3-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) назорат тартибида — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари протестларига биноан, янги очилган ҳолатлар муносабати билан эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари протести, шунинг-

дек ушбу Кодекснинг 498-моддасида кўрсатилган шахсларнинг шикоятлари бўйича амалга оширилади»;

11) **479-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг 497², 498 ва 510-моддаларида назарда тутилган процесс иштирокчилари биринчи инстанция судининг ҳукми ва ажрими устидан белгиланган тартибда апелляция ёки кассация ёхуд назорат тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга, шунингдек суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқишни илтимос қилишга ҳақлидир. Бунда улар ўз важларини тасдиқловчи қўшимча материалларни тақдим этиши мумкин.

Апелляция, кассация шикояти, апелляция, кассация ёки назорат протести тушганлиги тўғрисида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун шикоятни назорат тартибида ўтказиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси чиқарган ажрим тўғрисида суд тушган шикоят ёки протест ўз манфаатларига тааллуқли бўлган процесс иштирокчиларига маълум қилади ва айни вақтда мазкур ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини маҳкумга, жабрланувчига ва оқланган шахсга юборади. Кўрсатилган шахслар иш билан, шу жумладан қўшимча тақдим этилган материаллар билан танишишга ҳамда судга ўз эътирозларини маълум қилишга ҳақли»;

12) **480-модда иккинчи қисмининг 1-бандидаги «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

13) **483-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Апелляция, кассация инстанцияси суди жиноят ишини шикоят ёки протест билан иш келиб тушган кундан эътиборан ўн беш суткадан, назорат инстанцияси суди эса бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқишга киришиши керак»;

14) **484-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

15) **485-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«485-модда. Суд терговининг тўлиқ эмаслиги ва бир ёқламаллиги

Башарти иш бўйича:

1) ушбу Кодекснинг 82 — 84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар етарлича тўла аниқланмаган бўлса;

2) кўрсатувлари ишни ҳал қилишга таъсир этиши мумкин бўлган шахслар сўроқ қилинмаган, зарур бўлишига қарамай экспертиза ўтказилмаган, худди шунингдек ҳужжатлар, ашёвий далиллар талаб қилиб олинмаган ёки натижалари иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган бошқа суд-тергов ҳаракатлари ўтказилмаган бўлса;

3) ишни янгидан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқишга

юборган назорат инстанцияси суди ажримда, қарорида баён қилинган ҳолатлар текширилмаган бўлса, суд тергови тўлиқ эмас ёки бир ёқлама ўтказилган деб эътироф этилади»;

16) **486-модданинг 4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) суднинг ҳукмда баён этилган хулосаларида жиддий зиддиятлар мавжуд бўлиб, улар судланувчининг айблилиги масаласини ҳал қилишга, Жиноят кодекси нормаларини тўғри қўллашга ёки жазо чорасини белгилашга таъсир кўрсатган бўлса ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлса»;

17) **490-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриб чиқиб, ушбу Кодекснинг 497¹³, 506¹ ва 521-моддаларига мувофиқ қарор қабул қилади»;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Апелляция, кассация инстанцияси суди тўлиқ ёки қисман суд тергови ўтказишга, ҳукми бекор қилишга ва янги ҳукм чиқаришга ёхуд ҳукмга ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир»;

тўртинчи қисмидаги «Кассация ва назорат инстанцияси» деган сўзлар «Назорат инстанцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **491** ва **492-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«491-модда. Ҳукми, ажримни, қарорни ўзгартириш

Агар ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриб чиқиш чоғида Жиноят кодекси нотўғри қўлланилганлиги ёхуд жиноятнинг оғирлик даражасига ва маҳкумнинг шахсига мувофиқ келмайдиган жазо белгиланганлиги аниқланса, суд ишни янгидан кўриб чиқишга юбормасдан, ушбу Кодекснинг 494-моддаси талабларига риоя этган ҳолда ҳукмга, ажримга, қарорга зарур ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

492-модда. Ажримни, қарорни бекор қилиб, жиноят ишини янгидан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқиш учун юбориш

Назорат инстанцияси суди ажримни, қарорни бекор қилган тақдирда жиноят ишини судьяларнинг бошқа таркиби янгидан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқиши учун ажримни, қарорни чиқарган апелляция ёки кассация судига ёхуд бошқа судга юборади»;

19) **494** ва **495-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«494-модда. Жазони кучайтириш ва оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш

Суд жиноят ишини апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқиш чоғида жазони кучайтиришга, худди шунингдек оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга ҳақли.

Апелляция ёки кассация инстанцияси суди оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга ёхуд жазони кучайтиришга ана шу асослар бўйича жабрланув-

чи томонидан шикоят берилган ёки прокурор томонидан протест билдирилган ҳоллардагина ҳақлидир.

Суд жиноят ишини назорат тартибида кўриб чиқиш чоғида жазони кучайтиришга, худди шунингдек оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга ҳақли эмас.

Оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш зарурати туфайли ёки жазонинг енгиллиги учун апелляция ёхуд кассация инстанцияси судининг ажримини назорат тартибида бекор қилиш ва ишни янгидан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқиш учун юбориш фақат шу асослар бўйича жабрланувчи ёки унинг вакили томонидан шикоят берилган ёки прокурор томонидан протест келтирилган ҳоллардагина мумкин.

Оқлов ҳукми юқори суд томонидан фақат прокурорнинг апелляция ёки кассация протести, жабрланувчининг ёки унинг вакилининг шикояти ёхуд оқланган шахснинг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг апелляция ёки кассация шикояти, шунингдек жабрланувчининг ёхуд унинг вакилининг, оқланган шахснинг шикояти ёки назорат тартибида берилган протест бўйича бекор қилиниши мумкин.

495-модда. Юқори суд кўрсатмаларининг мажбурийлиги

Жиноят ишини назорат тартибида кўриб чиққан суднинг иш ҳолатлари тўла-тўқис ва ҳар томонлама текширилишини таъминлашга, шунингдек Жиноят кодекси ҳамда ушбу Кодекс нормаларининг бузилишини бартараф этишга қаратилган кўрсатмаларига ишни янгидан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқиш чоғида амал қилиш мажбурийдир.

Назорат инстанцияси суди ишни янгидан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқиш учун юбораётганда айблов исботланганлиги ёки исботланмаганлиги, у ёки бу далилларнинг ишончлилиги ёки ишончсизлиги, бир далилнинг иккинчисидан афзаллиги, жиноятнинг таснифи ва жазо чораси тўғрисида олдиндан хулоса чиқариб қўйишга ҳақли эмас»;

20) 496-модда:

биринчи қисмининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) апелляция, кассация ёки назорат шикояти берган, апелляция, кассация ёки назорат протести билдирган шахс»;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иш назорат инстанцияси суди томонидан янгидан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқиш учун юборилаётганда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар кўрсатилиши зарур»;

олтинчи қисмидаги «суд раёсатининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) 497²-модда:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

бешинчи қисмидаги «биринчи, иккинчи ва учинчи» деган сўзлар «биринчи — тўртинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **497³-модданинг**:

биринчи қисми 1-бандидаги «Олий» деган сўз чиқариб ташлансин;

биринчи қисми 2-бандидаги «округ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмидаги «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) **497⁷-модда** қўйидаги мазмундаги **иккинчи ва учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Агар апелляция шикоятининг, протестининг мазмуни мазкур модданинг биринчи қисмида кўрсатилган талабларга жавоб бермаса ва бу келгусида ишни мазмунан кўриб чиқишга тўсқинлик қилса, судья апелляция шикоятини, протестини уни берган шахсга қайтариш тўғрисида апелляция шикоятини ёки протестини қайта тузиш учун муддатни белгиллаган ҳолда уч кунлик муддатда ажрим чиқаради.

Судьянинг апелляция шикоятини, протестини қайтариш тўғрисидаги ажрими талаблари бажарилмаган ва апелляция шикояти, протести белгиланган вақтда келиб тушмаган ҳолларда, у берилмаган деб ҳисобланади. Бундай ҳолда ҳукм қонуний кучга кирган деб ҳисобланади»;

24) **497¹³-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд ишни апелляция тартибида кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

1) биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартиришсиз, шикоятни ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;

2) биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилишга ва оқлов ҳукми чиқаришга;

3) биринчи инстанция судининг оқлов ҳукмини бекор қилишга ва айблов ҳукми чиқаришга;

4) биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилишга ва ишни тугатишга;

5) биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартиришга, шу жумладан айблов ҳажмини, жиноятнинг тавсифланишини ўзгартиришга, жазони енгиллаштиришга ёки кучайтиришга, шунингдек оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга ҳақли.

Агар биринчи инстанция суди иш юзасидан камчиликларга ёки суд терговини бир ёқлама олиб боришга ёхуд процессуал қоидабузарликларга йўл қўйган бўлса, апелляция инстанцияси суди ишни биринчи инстанция судига янгидан судда кўриб чиқишга юбормай, камчиликларни тўлдириш, процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш чораларини кўради ҳамда кўриб чиқиш натижаларини инобатга олган ҳолда тегишли қарорни қабул қилади.

Биринчи инстанция судининг айблов ҳукми жабрланувчининг, унинг вакилининг шикояти ёки прокурорнинг протести бўлган тақдирдагина маҳкумнинг ахволини оғирлаштириш томонга ўзгартирилиши мумкин.

Биринчи инстанция судининг оқлов ҳукми апелляция инстанцияси суди

томонидан фақат жабрланувчининг, унинг вакилининг шикоятни ёки прокурорнинг протести бўйича бекор қилиниб, айблов ҳукми чиқарилиши мумкин.

Апелляция инстанцияси судининг қарорида қандай асосларга кўра биринчи инстанция судининг ҳукми тўғри деб, шикоятнинг ёки протестнинг важлари эса асоссиз деб топилганлиги, биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилиш ёки уни ўзгартиришга нималар асос бўлганлиги кўрсатилиши керак.

Апелляция инстанцияси қарор қабул қилаётганда биринчи инстанция суди томонидан текшириб кўрилган ва ишончли деб топилган далилларга апелляция шикоятлари, протестларини кўриб чиқишда текширилган янги далилларни қўшган ҳолда таянишга ҳақлидир.

Апелляция инстанцияси судининг қарори ушбу Кодекснинг 473-моддаси қоидалари асосида эълон қилинади»;

25) **497¹⁵-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хусусий шикоят ёки хусусий протест апелляция шикоятларини ёки протестларини ҳал қилиш учун назарда тутилган қоидалар бўйича, мазкур моддада белгиланган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда кўриб чиқилади»;

26) **498-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан кассация тартибида шикоят беришга ҳақлидир»;

27) **499-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуйидагиларнинг:

1) жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан — Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига;

2) Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан — шу судларнинг судлов ҳайъатларига;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан — шу суднинг судлов ҳайъатига;

4) ҳудудий ҳарбий судларнинг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан эса шу суднинг судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят қилиниши ва протест келтирилиши мумкин»;

28) қуйидаги мазмундаги **502¹-модда** билан тўлдирилсин:

«502¹-модда. Кассация шикоятининг, протестининг мазмуни

Кассация шикоятида, протестида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) шикоят, протест йўлланаётган суднинг номи;
- 2) шикоят берган шахс, унинг процессуал мавқеи, яшаш жойи ёки турган жойи тўғрисидаги маълумотлар;
- 3) ҳукми чиқарган суднинг номи, ҳукм чиқарилган сана, шикоят қилинаётган ва протест келтирилаётган ҳукм кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахс тўғрисидаги маълумотлар;
- 4) шикоят, протест берган шахснинг унинг фикрига кўра ҳукмнинг ёки бошқа қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги борасидаги вазлари ва унинг илтимосининг моҳияти;
- 5) аризачи ўз талабларини асослаётган ва кассация инстанцияси суди томонидан текширилиши лозим бўлган далиллар, шу жумладан илгари биринчи инстанция судида текширилмаган далиллар;
- 6) шикоятга, протестга илова қилинаётган материалларнинг рўйхати;
- 7) шикоят, протест берилган сана ҳамда шикоят, протест бераётган шахснинг имзоси.

Агар кассация шикоятининг, протестининг мазмуни ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган талабларга жавоб бермаса, судья кассация шикоятини, протестини уни берган шахсга уч кунлик муддатда қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради. Кассация шикояти, протести йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилганидан кейин берилиши мумкин»;

29) қуйидаги мазмундаги **506¹-модда** билан тўлдирилсин:

«506¹-модда. Кассация инстанцияси судининг ваколатлари

Суд ишни кассация тартибида кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

- 1) биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартиришсиз, шикоятни ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;
- 2) биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилишга ва оқлов ҳукми чиқаришга;
- 3) биринчи инстанция судининг оқлов ҳукмини бекор қилишга ва айблов ҳукми чиқаришга;
- 4) биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилишга ва ишни тугатишга;
- 5) биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартиришга, шу жумладан айблов ҳажмини, жиноят тавсифини ўзгартиришга, жазони енгиллаштиришга ёки кучайтиришга, худди шунингдек оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллашга ҳақли.

Агар биринчи инстанция суди иш юзасидан камчиликларга ёки суд терговини бир томонлама олиб боришга ёхуд процессуал қоидабузарликларга йўл қўйган бўлса, кассация инстанцияси суди ишни биринчи инстанция судига янгидан судда кўриб чиқишга юбормай, камчиликларни тўлдириш, процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш чораларини кўради ҳамда кўриб чиқиш натижаларини инобатга олган ҳолда тегишли қарор қабул қилади.

Биринчи инстанция судининг айблов ҳукми жабрланувчининг, унинг

вакилининг шикоятни ёки прокурорнинг протести бўлган тақдирдагина маҳкумнинг аҳволини оғирлаштириш томонга ўзгартирилиши мумкин.

Биринчи инстанция судининг оқлов ҳукми кассация инстанцияси суди томонидан фақат жабрланувчининг, унинг вакилининг шикоятни ёки прокурорнинг протести бўйича бекор қилиниб, айблов ҳукми чиқарилиши мумкин.

Кассация инстанцияси судининг қарориди қандай асосларга кўра биринчи инстанция судининг ҳукми тўғри деб, шикоятнинг ёки протестнинг вазлари эса асоссиз деб топилганлиги, биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилишга ёки уни ўзгартиришга нималар асос бўлганлиги кўрсатилиши керак.

Кассация инстанцияси суди қарор қабул қилиш чоғида биринчи инстанция суди томонидан текшириб кўрилган ва ишончли деб топилган далилларга кассация шикоятларини, протестларини кўриб чиқишда текширилган янги далилларни қўшган ҳолда таянишга ҳақли.

Кассация инстанцияси суди қарорини эълон қилиш ушбу Кодекснинг 473-моддаси қоидаларига кўра амалга оширилади»;

30) **510-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Назорат тартибида берилган шикоятнинг мазмуни ушбу Кодекс 502¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлиши керак. Назорат тартибидаги шикоятга иш бўйича қабул қилинган суд қарорларининг суд томонидан тасдиқланган кўчирма нусхалари илова қилиниши керак»;

31) қуйидаги мазмундаги **510¹** ва **510²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«510¹-модда. Суд қарорлари устидан назорат тартибида шикоят қилиш ва протест келтириш тартиби

Қуйидаги суд қарорлари устидан назорат тартибида шикоят қилиниши ва протест келтирилиши мумкин:

вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан апелляция ёки кассация ёхуд назорат тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатига.

510²-модда. Назорат тартибида берилган шикоятларни кўриб чиқмасдан қайтариш

Назорат тартибида берилган шикоят қуйидаги ҳолларда кўриб чиқилмасдан қайтарилади, агар:

1) назорат тартибида берилган шикоят ушбу Кодекс 502¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган талабларга жавоб бермаса;

2) назорат тартибида берилган шикоятга иш бўйича қабул қилинган, суд

қарорларининг суд томонидан тасдиқланган кўчирма нусхалари илова қилинмаган бўлса;

3) иш апелляция ёки кассация тартибида кўрилмаган бўлса;

4) назорат тартибида берилган шикоятни қайтариб олиш тўғрисида ариза келиб тушганда.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1 — 3-бандларида кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин шикоят берган шахс қайтадан умумий тартибда муурожаат қилишга ҳақлидир»;

32) **511-модданинг 2-бандидаги** «ҳар қандай суднинг» деган сўзлар «барча инстанция судларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

33) **512-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ишларни судлардан талаб қилиб олиш ҳуқуқига назорат тартибидаги шикоятни ушбу Кодекснинг 515-моддасида назарда тутилган тартибда ўрганилган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси ҳам эга.

Ишларни талаб қилиб олишга ушбу Кодекснинг 498-моддасида кўрсатилган шахсларнинг шикоятлари, судьялар ва прокурорларнинг тақдимномалари, оммавий ахборот воситаларининг хабарлари, шунингдек ушбу Кодекснинг 511-моддасида кўрсатилган шахсларнинг бевосита шундай қарорга келиши сабаб бўлади»;

34) **514** ва **515-моддалар** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«514-модда. Назорат тартибидаги шикоятларни кўриб чиқиш муддатлари

Назорат тартибидаги шикоят бир ойгача бўлган муддатда, иш талаб қилиб олинмаган ва текширилаётган ҳолларда эса икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқиши керак.

515-модда. Назорат тартибидаги шикоят бўйича қабул қилинадиган қарорлар

Назорат тартибидаги шикоят унга илова қилинган материаллар билан бирга, зарур бўлган ҳолларда эса жиноят ишини талаб қилиб олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси томонидан ўрганиб чиқилади.

Шикоятни ўрганиб чиқиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси ўз ажрими билан қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1) суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисида;

2) шикоятни иш билан бирга кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига ўтказиш тўғрисида.

Назорат тартибида шикоят берган шахсга қабул қилинган қарор ҳақида уч кунлик муддатда хабар қилинади»;

35) қуйидаги мазмундаги **515¹** ва **515²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«515¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида суд қарорларини назорат тартибида кўриб чиқиш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ажрим

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида суд қарорларини назорат тартибида кўриб чиқиш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ажримда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

- 1) ажрим чиқарилган вақт, жой;
- 2) ажрим чиқарган судьянинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- 3) назорат тартибида шикоят берган шахс ҳақидаги маълумотлар;
- 4) ҳукм чиқарган суднинг, ажрим чиқарган апелляция ёки кассация инстанцияси судининг номи, апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ҳукми, ажрими чиқарилган сана;
- 5) назорат тартибида берилган шикоятнинг моҳияти;
- 6) назорат тартибида берилган шикоятни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш сабаблари ва асослари.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида суд қарорларини назорат тартибида кўриб чиқиш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг ажрими устидан назорат тартибида шикоят берган шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига ёки унинг ўринбосарига шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, унинг ўринбосари назорат тартибида шикоят берган шахснинг шикоятига кўра ёки ўз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг суд қарорларини назорат тартибида кўриб чиқиш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ажримини бекор қилиш ва шикоятни кўриб чиқиш учун жиноят иши билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли.

515²-модда. Назорат тартибидаги шикоятни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун ўтказиш тўғрисидаги ажрим

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг назорат тартибидаги шикоятни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун ўтказиш тўғрисидаги ажримда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

- 1) ажрим чиқарилган вақт, жой;
- 2) ажрим чиқарган судьянинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- 3) назорат тартибида шикоят берган шахс ҳақидаги маълумотлар;
- 4) ҳукм чиқарган суднинг, ажрим чиқарган апелляция ёки кассация

инстанцияси судининг номи, апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ҳукми, ажрими чиқарилган сана;

5) назорат тартибида берилган шикоятнинг моҳияти;

6) назорат тартибида берилган шикоятни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун ўтказиш сабаблари ва асослари;

7) ишни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқиш жойи ва вақти.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси назорат тартибидаги шикоятни ўзи чиқарган ажрим билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига жиноят иши билан бирга ўтказди»;

36) **516-модда** чиқариб ташлансин;

37) **518-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Протест киритган шахс уни чақириб олишга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўз ўринбосари томонидан келтирилган протестни чақириб олишга ҳақли. Протестни чақириб олишга фақат назорат инстанцияси суди ишни кўриб чиқишни бошлагунига қадар йўл қўйилади. Протест ва уни чақириб олиш тўғрисидаги ҳужжат ишда қолдирилади»;

38) **519-модда** чиқариб ташлансин;

39) **521-модданинг:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«521-модда. Назорат инстанцияси судининг ваколатлари»;

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд ишни назорат тартибида кўриб чиқиб, ўзининг ажрими, қарори билан:

1) ҳукмни, ажримни, қарорни ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;

2) ажримни, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқиш учун юборишга;

3) ҳукмни, ажримни, қарорни бекор қилишга ва ишни тугатишга;

4) ҳукмни, ажримни, қарорни ўзгартиришга ҳақлидир»;

иккинчи қисмидаги «Протестни» деган сўз «Ишни назорат тартибида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

40) **527-модданинг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, ҳудудий ҳарбий судлар томонидан ҳукм ёки ажрим чиқарилган ишлар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан ҳукмлар, ажримлар чиқарилган ишлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида»;

41) **536¹-модданинг матнидаги** «округ» деган сўз чиқариб ташлансин;

42) **546-модданинг матнидаги** «округ харбий судининг ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

43) **590-модданинг биринчи қисмидаги** «округ» ва «Олий» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

44) **602-модданинг биринчи қисмидаги** «Олий» деган сўз чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **27-модданинг биринчи қисмидаги, 28-модданинг биринчи қисмидаги, 29-модданинг биринчи қисмидаги, 29¹-модданинг биринчи қисмидаги** «маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси», «туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси» деган сўзлар «туман (шаҳар) маъмурий суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **33-модданинг матни** «энг кам жазодан ҳам камроқ жазо» деган сўзлардан кейин «ёки ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа янада энгил жазо» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **36-модданинг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жиноят ишени қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлсаю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишени тугатиш тўғрисида, агар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтмаган бўлса, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин»;

4) **38-модданинг иккинчи қисмидаги** «маъмурий ишлар бўйича судья» деган сўзлар «маъмурий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **242-модданинг 1-бандидаги** «туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси» деган сўзлар «туман (шаҳар) маъмурий судлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **245-модданинг:**

номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«245-модда. Маъмурий судлар»;

биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларидаги «Маъмурий ишлар бўйича судьялар», «маъмурий ишлар бўйича судьялар» деган сўзлар «Маъмурий судлар», «маъмурий судлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **276-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган маълумотлар қўйидаги воситалар: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари ҳамда жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, мутахассис маслаҳати (тушунтиришлари), ашёвий далиллар, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома, аудио-, видеоёзувлардан ва фотосуратлардан иборат материаллар, шунингдек бошқа материаллар билан белгиланади»;

8) **282-модда** қўйидаги мазмундаги **иккинчи — тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага қўйидагилар илова қилинади:

1) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхаси;

2) ички ишлар органларининг маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг илгари маъмурий жавобгарликка тортилганлиги факти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаси;

3) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтириши;

4) жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, агар улар мавжуд бўлса;

5) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактини тасдиқловчи бошқа материаллар.

Ушбу Кодекснинг 133 ва 134-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомага ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қўйидагилар илова қилинади:

1) ҳайдовчилик гувоҳномаси, транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг ва ишончноманинг кўчирма нусхаси;

2) суғурта полисининг кўчирма нусхаси (мавжуд бўлган тақдирда);

3) алкогольли ичимликдан, гиёҳвандлик моддаси таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқарилганлиги белгиланган тартибда текширувдан ўтказилганлиги тўғрисидаги тиббий хулоса, алкогольли ичимликдан, гиёҳвандлик моддаси таъсиридан ёки ўзгача тарздаги мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаган тақдирда икки ҳолис иштирокида тузилган далолатнома;

4) кўздан кечириш далолатномаси ва ҳодиса жойининг чизмаси, транспорт воситасининг шикастланишлари тўғрисидаги маълумотнома ва техника воситалари шикастланишларининг фотосуратлари;

5) автотототранспорт воситасига етказилган зарарни баҳолаш далолатномаси;

6) судга қадар автотехника экспертизаси тайинланганлиги ҳақидаги қарор ва экспертларнинг хулосаси;

7) суриштирув яқунларига кўра, манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари билан танишганлиги тўғрисидаги баённома.

Ушбу Кодекснинг 52-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуйидагилар илова қилинади:

1) жабрланувчининг аризаси;

2) судга қадар тиббий экспертиза тайинланганлиги ҳақидаги қарор ва экспертларнинг хулосаси;

3) жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор;

9) **288-модданинг учинчи қисмидаги** «маъмурий ишлар бўйича судья» деган сўзлар «маъмурий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **294-модданинг учинчи қисмидаги** «маъмурий ишлар бўйича судьянинг» деган сўзлар «маъмурий суднинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) қуйидаги мазмундаги **299²-модда** билан тўлдирилсин:

«299²-модда. Мутахассис

Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш йўли билан кўмаклашиш ҳамда илмий-техника воситаларини қўллашда ёрдам бериш мақсадида фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва кўникмага эга бўлган, ишнинг яқунидан манфаатдор бўлмаган вояга етган шахс мутахассис сифатида жалб этилиши мумкин.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар мутахассис сифатида жалб қилиниши мумкин эмас.

Мутахассис: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг текшириш мавзусига доир материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотлар-

ни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш; маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва ўрганиш объектларини тақдим этиш тўғрисида илтимосномалар бериш; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўз иш юритувида бўлган органнинг (мансабдор шахснинг) руҳсати билан ишни кўриб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш, жавобгарликка тортилаётган шахсга, жабрланувчига, гувоҳларга текшириш мавзусига тааллуқли саволлар бериш; ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш; ўз маслаҳатлари (тушунтиришлари) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этувчи шахслар томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш баённомасига киритилиши лозим бўлган фикр-мулоҳазалар билдириш; агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, она тилида маслаҳат бериш ва тушунтиришларини баён қилиш ҳамда бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўз иш юритувида бўлган органнинг (мансабдор шахснинг) қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ушбу мутахассиснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузса, мазкур органнинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Мутахассис: ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган масалалар юзасидан асосли ва ҳолисона маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериши; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўз иш юритувида бўлган органнинг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан келиши; ўтказилган текшириш хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган маслаҳатларни (тушунтиришларни) тушунтириб бериш учун қўшимча саволларга жавоб бериши; текшириш ўтказилиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги; тақдим этилган текшириш объектларининг ва иш материалларининг бут сақланишини таъминлаши; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқиладиганда тартибга риоя этиши шарт.

Мутахассиснинг барча юзага келган масалалар бўйича маслаҳатлари судга ёзма шаклда тақдим этилиши керак, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқиладиганда мутахассис томонидан берилган тушунтиришлар эса маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомасига киритилади»;

12) **301-модданинг:**

номи «экспертлар» деган сўздан кейин **«мутахассислар»** деган сўз билан тўлдирилсин;

биринчи қисми «экспертлар» деган сўздан кейин «мутахассислар» деган сўз билан тўлдирилсин;

иккинчи қисми «экспертлар» деган сўздан кейин «мутахассислар» деган сўз билан тўлдирилсин;

учинчи қисми «эксперт» деган сўздан кейин «мутахассис» деган сўз билан тўлдирилсин;

13) қуйидаги мазмундаги **303¹-модда** билан тўлдирилсин:

«303¹-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материалларини қайтариш

Маъмурий иш мазкур органга (мансабдор шахсга) тааллуқли бўлмаган (судловига тегишли бўлмаган) ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари ушбу Кодекснинг 281 ва 282-моддаларида назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда юборилган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баён-номани тузган органга (мансабдор шахсга) қайтарилади»;

14) **311-модданинг биринчи қисми** «эълон қилинади» деган сўзлардан кейин «ва у чиқарилган пайтдан эътиборан қонуний кучга киради» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

15) **314-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича маъмурий суднинг қарори устидан шикоят қилиш ушбу Кодекснинг XXIV¹ бобида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

16) **315-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки туман (шаҳар) маъмурий судига, маъмурий суднинг қарори устидан эса кассация инстанцияси судига шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин. Иқтисодий суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексида белгиланган тартибда, фуқаролик ишлари бўйича суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан эса Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин»;

17) **317-модда:**

биринчи қисмининг 1-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) маъмурий суд судьясининг қарори устидан — ушбу Кодекснинг XXIV¹ бобида белгиланган тартибда кассация инстанцияси судига»;

иккинчи қисмидаги «Хўжалик-процессуал кодексида» деган сўзлар «Иқтисодий процессуал кодексида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **319-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор устидан шикоят ёки протест туман (шаҳар) маъмурий судининг судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади ва унинг натижаларига кўра, ушбу Кодекснинг 321-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан қарор қабул қилинади»;

19) **320-модда** чиқариб ташлансин;

20) қуйидаги мазмундаги **XXIV¹ боб** билан тўлдирилсин:

«XXIV¹ боб. Маъмурий суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарорини қайта кўриш бўйича иш юритиш

1-§. Кассация инстанцияси судида иш юритиш

324¹-модда. Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан кассация шикоят (протести) бериш тартиби

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича ўзига нисбатан суднинг қарори чиқарилган шахс, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, адвокат, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган орган биринчи инстанция судининг қарори устидан кассация шикояти беришга, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан шикоят (протест) иш билан бирга уч сутка ичида юқори турувчи судга юборилиши лозим.

Суднинг маъмурий қамоққа олиш ёки маъмурий тартибда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарори устидан шикоят (протест) юқори турувчи судга шикоят (протест) олинган кун юборилиши лозим.

Шикоят (протест) қарорни чиқарган маъмурий судга берилади.

324²-модда. Кассация инстанциясида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг қонунийлиги ва асослантирилганлигини текширувчи судлар

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари маъмурий судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш натижалари юзасидан биринчи инстанция бўйича чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги ва асослантирилганлигини кассация тартибида текширади.

324³-модда. Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан кассация тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) муддати

Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан кассация шикояти (протести) суд қарорининг кўчирма нусхаси топширилган ёки олинган кундан эътиборан бир ой ичида берилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддат ўтказиб юборилган тақдирда, кассация шикояти (протести) берувчи шахснинг илтимосномасига кўра қарорни чиқарган суд, агар муддатнинг ўтказиб юборилганлиги сабабларини узрли деб топса, ўтказиб юборилган муддатни тиклашга ҳақли бўлиб, бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарори устидан кассация тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) муддатини тиклаш ҳақидаги

илтимосномани рад қилиш тўғрисида ажрим чиқарилади, унинг устидан хусусий шикоят (хусусий протест) берилиши мумкин.

324⁴-модда. Кассация шикоятини (протестини) кўриб чиқиш муддатлари

Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан берилган кассация шикояти (протести) у шикоятни (протестни) кўриб чиқишга ваколатли судга ишнинг барча материаллари билан келиб тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўрилиши лозим.

Ушбу Кодекснинг 512, 513, 514, 515, 516, 517, 518, 519-моддаларида назарда тутилган суднинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича қарори устидан берилган кассация шикоятлари (протестлари) шикоятни (протестни) кўриб чиқишга ваколатли судга барча материаллар билан келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда кўрилиши лозим.

Суднинг маъмурий қамоққа олиш ёки маъмурий тартибда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарори устидан берилган кассация шикояти (протести), агар маъмурий жавобгарликка тортилган шахс маъмурий қамоқни ўтаётган ёки маъмурий тартибда чиқариб юборилиши лозим бўлса, шикоят (протест) берилган пайтдан эътиборан бир сутка ичида кўрилиши керак.

324⁵-модда. Суд хабарномалари ва чақирувлари

Ишда иштирок этувчи шахслар кассация шикояти (протести) кўриладиган вақт ва жой ҳақида суд чақирув қоғозлари, телефонограммалар, телеграммалар ва хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган бошқа алоқа воситалари орқали хабардор қилинади.

324⁶-модда. Кассация шикоятини (протестини) кўриш

Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан берилган кассация шикояти (протести) кассация инстанцияси судининг судьяси томонидан якка тартибда кўрилади.

Кассация инстанцияси суди маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни суд мажлисида ушбу параграфда белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу Кодекснинг XXIII бобида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш қоидаларига биноан кўриб чиқади.

Суд кассация шикоятининг (протестининг) важлари билан чегараланмай, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материалларини тўлиқ ҳажмда текширади.

324⁷-модда. Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан кассация шикояти (протести) юзасидан ҳал қилув қарори

Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан кассация шикоятини (протестини) кўриб чиқиш натижаларига кўра кассация инстанцияси суди ушбу Кодекснинг 321-моддасида назарда тутилган ҳал қилув қарорларидан бирини чиқаради.

Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан берилган шикоят (протест) юзасидан кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори қарор шаклида чиқарилади ва чиқарилган пайдан эътиборан кучга киради.

Кассация инстанцияси судининг қарори чиқарилганидан кейин дарҳол ўқиб эшиттирилади.

324⁸-модда. Кассация инстанцияси суди қарорининг кўчирма нусхасини юбориш (топшириш)

Кассация инстанцияси суди қарорининг кўчирма нусхаси чиқарилганидан кейин уч суткагача бўлган муддатда ўзига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор чиқарилган шахсга, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида баённома тузган органга, шунингдек жабрланувчига унинг сўровига биноан топширилади ёки юборилади.

Суднинг маъмурий қамоққа олиш ёки маъмурий тартибда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарори устидан берилган кассация шикоятини (протестини) кўриб чиқиш натижалари юзасидан чиқарилган қарор қабул қилинган куни у қарорни ижро этувчи органнинг, мансабдор шахснинг, шунингдек ўзига нисбатан қарор қабул қилинган шахснинг ва жабрланувчининг эътиборига етказилади.

2-§. Назорат инстанцияси судада иш юритиш

324⁹-модда. Назорат тартибида қайта кўриб чиқилиши лозим бўлган суд ҳужжатлари

Кассация инстанцияси судларининг қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ишни назорат тартибида кўриш натижалари юзасидан чиқарилган қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатига протест келтирилиши мумкин.

324¹⁰-модда. Ишни назорат тартибида кўрадиган суд

Назорат тартибидаги ишлар:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан — кассация инстанцияси судининг суд ҳужжатлари устидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати томонидан — Ўзбекистон Республикаси Олий суди маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ишни назорат тартибида кўриш натижалари юзасидан чиқарган қарори устидан кўрилади.

324¹¹-модда. Ишларни талаб қилиб олиш

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни назорат тартибида кўриб чиқиш учун асослар мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун ишни тегишли маъмурий суддан талаб қилиб олишга ҳақли.

324¹²-модда. Назорат шикоятни бериш (протести келтириш) тартиби ва муддати

Назорат шикоятни (протести) Ўзбекистон Республикаси Олий судига берилади.

Ушбу Кодекснинг 324⁹-моддасида кўрсатилган суд ҳужжатлари устидан назорат шикоятни (протести) улар чиқарилган кундан эътиборан олти ой ичида берилиши мумкин.

324¹³-модда. Назорат шикоятининг (протестининг) мазмуни

Назорат шикоятида (протестида) қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) назорат шикоятни (протести) берилаётган суднинг номи;
- 2) шикоят (протест) бераётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), унинг турган жойи (почта манзили) ёки яшаш жойи ва ишдаги процессуал ҳолати;
- 3) ишни биринчи, кассация инстанцияси бўйича кўрган маъмурий судлар ва улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг мазмуни;
- 4) устидан шикоят қилинаётган (протест келтириляётган) суд ҳужжати;
- 5) суд ҳужжатида назорат тартибида қайта кўриш учун асослар бундай асосларнинг мавжудлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи важдарни келтирган ҳолда;
- 6) шикоят (протест) бераётган шахснинг илтимоси.

Назорат шикоятни шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланиши керак. Вакил томонидан берилган шикоятга ишончнома ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилинади. Протест Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари томонидан имзоланади.

Назорат шикоятига (протестига) иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларининг кўчирма нусхалари ва шикоятнинг (протестнинг) кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи далил илова қилинади.

324¹⁴-модда. Назорат шикоятини ўрганиш

Назорат шикоятни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси томонидан ўрганилади.

Судья назорат шикоятини шикоятга илова қилинган материаллар бўйича ёки талаб қилиб олинган иш материаллари бўйича ўрганади.

Назорат шикоятини ўрганиш натижалари бўйича судья шикоят келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай, иш талаб қилиб олинган тақдирда эса иш Ўзбекистон Республикаси Олий судига келиб тушган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай:

1) назорат шикоятини ушбу Кодекс 324¹⁵-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра қайтариш тўғрисида;

2) назорат шикоятини қабул қилишни ушбу Кодекс 324¹⁶-моддасида назарда тутилган асосларга кўра рад этиш ҳақида;

3) агар суд ҳужжатларини назорат тартибида текшириш учун асослар мавжуд бўлмаса, назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Бунда назорат шикояти, шунингдек устидан шикоят қилинган суд ҳужжатларининг кўчирма нусхалари назорат инстанцияси судида қолади;

4) назорат шикоятини кўриб чиқиш учун иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ажримнинг кўчирма нусхаси назорат шикоятини берган шахсга ва ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинган буюртма хат орқали ажрим чиқарилган кундан кейинги кундан кечиктирмай юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

324¹⁵-модда. Назорат шикоятини қайтариш

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси назорат шикоятини қуйидаги ҳолларда қайтаради, агар:

1) назорат шикояти ушбу Кодекснинг 324¹³-моддасида назарда тутилган талабларга жавоб бермаса;

2) назорат шикоятини қайтариш тўғрисида ариза келиб тушган бўлса.

Шикоят берган шахс ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганидан сўнг янгидан умумий тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

324¹⁶-модда. Назорат шикоятини қабул қилишни рад этиш

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси назорат шикоятини қабул қилишни қуйидаги ҳолларда рад этади, агар:

1) назорат шикояти назорат инстанцияси судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;

2) назорат шикояти белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса;

3) назорат шикояти қонунга мувофиқ назорат тартибида шикоят қилиниши мумкин бўлмаган суд ҳужжати устидан берилган бўлса;

4) назорат шикояти кассация тартибида кўриб чиқилмаган суд ҳужжати устидан берилган бўлса;

5) назорат шикояти назорат тартибида кўриб чиқилган суд ҳужжати устидан берилган бўлса.

324¹⁷-модда. Назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ажрим

Назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ажримда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) ажрим чиқарилган сана ва жой;
- 2) ажрим чиқарган судьянинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- 3) назорат шикоятини берган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);
- 4) устидан шикоят қилинаётган суд ҳужжатлари;
- 5) суд ҳужжатлари қабул қилинган иш мазмунининг қисқача баёни;
- 6) назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этишнинг қисқача сабаблари.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринбосари назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш тўғрисидаги судьянинг ажримига қўшилмасликка ҳамда назорат шикоятини берган шахснинг аризаси асосида уни бекор қилиш ва назорат шикоятини иш билан бирга кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақли.

Назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ажримни бекор қилиш ҳақидаги ариза суд ҳужжати устидан назорат тартибида шикоят қилиш учун белгиланган муддат доирасида берилиши мумкин.

324¹⁸-модда. Назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисидаги ажрим

Назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисидаги ажримда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) ажрим чиқарилган сана ва жой;
- 2) ажрим чиқарган судьянинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- 3) назорат шикоятини берган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);
- 4) устидан шикоят қилинаётган суд ҳужжатлари;
- 5) суд ҳужжатлари қабул қилинган иш мазмунининг қисқача баёни;
- 6) назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш асосларининг баёни;

7) иш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов хайъати томонидан кўриб чиқиладиган жой ва сана.

Судья назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов хайъатига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир вақтда низолашилаётган суд ҳужжатининг ижросини шикоят берган шахснинг илтимосномасига кўра назорат тартибида иш юритиш тугагунига қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

Судья назорат шикоятини ва ишни ўзи чиқарган ажрим билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов хайъатига ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов хайъатининг Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ва улар ўринбосарларининг протестини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда протест юзасидан ишни назорат тартибида кўриб чиқиш жойи ва санаси кўрсатилади.

324¹⁹-модда. Ишни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати томонидан назорат тартибида кўриб чиқиш

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки улар ўринбосарларининг протести бўйича иш ушбу Кодекснинг 324²¹-моддасида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг котиби протестни иш билан бирга олгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг мажлиси ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида хабар қилади.

324²⁰-модда. Ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиш

Назорат шикояти (протест) берган шахс, шунингдек ишда иштирок этувчи шахслар ишни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов хайъатида кўриш вақти ва жойи тўғрисида ушбу Кодекснинг 324⁵-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилинади.

Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни назорат тартибида кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Иш Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатида назорат тартибида кўриб чиқиладиганда ишда иштирок этувчи шахслар тушунтиришлар бериш учун чақиртирилиши мумкин. Бу ҳолда уларга ушбу Кодекснинг 324⁵-моддасида назарда тутилган тартибда назорат инстанцияси суди мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабарнома юборилади. Уларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

324²¹-модда. Ишни назорат тартибида кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби

Иш назорат шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида суднинг ажрими чиқарилган ёки протест Ўзбекистон Республикаси Олий

суди Раёсатининг котибиятига келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай назорат тартибида кўрилади.

Иш назорат тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов хайъатида, назорат шикоятини берган шахс, шунингдек ишда иштирок этувчи шахслар ва (ёки) уларнинг вакиллари иштирок этиши мумкин бўлган суд мажлисида назорат тартибида кўрилади.

Иш назорат тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг маърузаси бўйича кўрилади, судья иш ҳолатларини, иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларининг мазмунини, назорат шикоятида (протестида) келтирилган важларни баён этади.

Суд мажлисига келган ишда иштирок этувчи шахслар иш бўйича тушунтиришлар беришга ҳақли. Назорат шикоятини берган шахс биринчи бўлиб тушунтириш беради, агар иш прокурорнинг протести бўйича кўрилатган бўлса, биринчи бўлиб прокурор сўзга чиқади.

Иш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати томонидан назорат тартибида кўрилатганда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари иштирок этиб, иш бўйича ўз фикрини баён қилади.

Иш назорат тартибида кўрилатганда барча масалалар ишни кўриб чиқишда иштирок этаётган судьяларнинг кўпчилик овози билан ҳал қилинади.

Ишни назорат тартибида кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинади.

Қарорнинг кўчирма нусхалари назорат шикоятини (протестини) берган шахсга ва ишда иштирок этувчи шахсларга ушбу Кодекснинг 324⁸-моддасида назарда тутилган тартибда юборилади.

324²²-модда. Назорат шикоятини (протестини) тўлдириш, ўзгартириш, шикоятдан воз кечиш ва протестни чақириб олиш

Назорат шикоятини берган шахс суд мажлиси бошлангунига қадар уни тўлдиришга, ўзгартиришга ёки ундан воз кечишга ҳақли.

Протест келтирган мансабдор шахс суд мажлиси бошлангунига қадар протестни тўлдиришга, ўзгартиришга ёки чақириб олишга ҳақли.

Назорат шикоятдан воз кечиш қабул қилинганлиги тўғрисида ва протест чақириб олинганда, агар суд ҳужжати устидан бошқа шахслар томонидан шикоят қилинмаган бўлса, назорат инстанцияси суди назорат ишини юритишни тугатиш ҳақида ажрим чиқаради.

324²³-модда. Назорат инстанцияси судининг ваколатлари

Назорат инстанцияси суди ишни назорат тартибида кўриб чиққач қуйидагиларга ҳақли:

1) суд ҳужжатини ўзгаришсиз, назорат шикоятини (протестини) эса қаноатлантirmасдан қолдиришга;

2) ушбу Кодекснинг 324²⁴-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда суд ҳужжатини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга;

3) суд ҳужжатини ўзгартиришга ёки бекор қилишга ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун юбормасдан янги қарор қабул қилишга;

4) суд ҳужжатини бекор қилишга ва иш юритишни тўхтатишга;

5) жазо чорасини кучайтирмаган ҳолда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатида назарда тутилган доирада ўзгартиришга;

6) иш бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга.

324²⁴-модда. Суд қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар

Суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асослантилмаганлиги суд ҳужжатини назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Суднинг мазмунан тўғри бўлган ҳужжати фақат биргина юзаки асослар бўйича бекор қилиниши мумкин эмас.

324²⁵-модда. Назорат инстанцияси судининг қарори

Назорат инстанцияси судининг қарорида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) қарор қабул қилган суднинг номи ва таркиби;

2) қарор қабул қилинган сана ва жой;

3) қарор қабул қилинган иш;

4) назорат шикоятини (протестини) берган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

5) устидан шикоят қилинаётган суд ҳужжатларининг мазмуни;

6) назорат шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича суд хулосалари;

7) назорат инстанцияси суди қайси сабабларга кўра ўз хулосаларига келган бўлса, ўша сабаблар ва ўзи амал қилган қонунларга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига ҳавола.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг қарори суднинг бутун таркиби томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори Раёсат мажлисида раислик қилувчи томонидан имзоланади.

Назорат инстанцияси судининг қарори у қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

324²⁶-модда. Назорат инстанцияси суди кўрсатмаларининг мажбурийлиги

Назорат инстанцияси судининг суд ҳужжатини бекор қилиш тўғрисидаги қарорида баён этилган кўрсатмалари мазкур ишни янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир.

Назорат инстанцияси суди қарорда аниқланмаган ёки рад этилган ҳолатларни аниқлашга ёхуд исботланган деб ҳисоблашга, у ёки бу далилнинг тўғрилиги ёки нотўғрилиги, бир далилнинг бошқаларидан устунлиги, ишни

янгидан кўришда қайси суд ҳужжати қабул қилиниши кераклиги тўғрисидаги масалаларни олдиндан ҳал этишга ҳақли эмас.

3-§. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш юзасидан иш юритиш

324²⁷-модда. Суднинг қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳуқуқи

Маъмурий суд ўзи чиқарган ҳамда қонуний кучга кирган суд ҳужжати-ни ушбу параграфда назарда тутилган асосларга кўра ва тартибда янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриши мумкин.

324²⁸-модда. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрадиган судлар

Биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган, қонуний кучга кирган қарор янги очилган ҳолатлар бўйича ушбу қарорни чиқарган маъмурий суд томонидан кўрилади.

Янги очилган ҳолатлар бўйича кассация ёки назорат инстанцияси судининг қайси қарорлари билан суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги суд ҳужжати қабул қилинган бўлса, ўша қарорларни қайта кўриш суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги қарор қабул қилинган инстанцияда амалга оширилади.

324²⁹-модда. Суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асослари

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асослари қуйидагилардан иборат:

1) суд ҳужжати қабул қилинган пайтда мавжуд бўлган, лекин аризачига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим ҳолатлар;

2) суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ва мазкур иш бўйича қонунга хилоф ёки асосланган суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган экспертнинг била туриб ёлғон хулоса берганлиги, гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлиги, била туриб ёлғон таржима қилинганлиги;

3) суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими билан аниқланган ҳолатлар, яъни ишда иштирок этувчи шахснинг ёки унинг вакилининг ёхуд судьянинг мазкур ишни кўриш чоғида содир этилган жиноий қилмишлари;

4) маъмурий суднинг ёки фуқаролик ишлари бўйича суднинг ёхуд иқтисодий суднинг мазкур иш бўйича суд ҳужжатини қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳужжати ёки бошқа органнинг қарори ёхуд бошқа ҳуқуқий ҳужжати бекор қилинганлиги.

324³⁰-модда. Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани бериш тартиби ва муддати

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича

қайта кўриш тўғрисидаги ариза ушбу суд ҳужжатини қабул қилган судга суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар очилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай ишда иштирок этувчи шахслар ёки прокурор томонидан берилади.

Аризанинг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар аризага илова қилинади.

Ариза беришнинг ўтказиб юборилган муддати ариза билан муружаат қилган шахснинг илтимосномаси бўйича, агар илтимоснома қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар очилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай берилган бўлса ва суд муддатни ўтказиб юбориш сабабларини узрли деб тан олса, суд томонидан тикланиши мумкин.

Суд ҳужжатлари чиқарилган пайтдан эътиборан бир йил ўтгач берилган аризалар кўриб чиқилмайди.

324³¹-модда. Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза судга ёзма шаклда берилади. Ариза уни берган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) ариза берилаётган суднинг номи;
- 2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), уларнинг турган жойи (почта манзили) ёки яшаш жойи;
- 3) аризачи янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни талаб қилаётган суд ҳужжатини қабул қилган суднинг номи; ишнинг рақами, суд ҳужжати қабул қилинган сана;
- 4) аризачининг ҳужжатларга ҳавола қилинган фикрига кўра қонуний кучга кирган суд ҳужжатини қайта кўриб чиқиш учун асос бўладиган янги очилган ҳолат;

5) ариза бераётган шахснинг талаби;

6) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Аризага қуйидагилар илова қилинган бўлиши керак:

- 1) янги очилган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари;
- 2) аризачи қайта кўриб чиқишни талаб қилаётган суд ҳужжатининг кўчирма нусхаси;
- 3) ариза вакил томонидан имзоланган тақдирда, уни имзолаш ваколатини тасдиқловчи ҳужжат.

324³²-модда. Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилиш

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича

қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмунига нисбатан ушбу Кодексда қўйилаётган талабларга риоя этилган ҳолда берилган ариза тегишли суднинг иш юритувига қабул қилинади.

Аризани суднинг иш юритувига қабул қилиш тўғрисидаги масала у судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай ҳал қилинади.

Аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисида суд ажрим чиқаради.

Ажримнинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга ушбу Кодекснинг 324⁸-моддасида назарда тутилган тартибда юборилади.

324³³-модда. Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қайтариш

Суд қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги аризани, агар уни иш юритишга қабул қилиш ҳақидаги масалани ҳал қилишда қўйидагиларни аниқласа, қайтаради:

1) ариза ушбу Кодекснинг 324³⁰ ва 324³¹-моддаларида белгиланган қоидалар бузилган ҳолда берилганлигини;

2) ариза белгиланган муддат ўтганидан сўнг берилганлигини ва уни тиклаш тўғрисида илтимоснома мавжуд эмаслигини;

3) муддатни ўтказиб юбориш сабаблари узрсиз эканлигини, шунга кўра ариза бериш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклашга асос мавжуд эмаслигини.

Аризани қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Суднинг аризани қайтариш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганидан сўнг ариза берган шахс ариза билан судга янгидан мурожаат қилишга ҳақли.

324³⁴-модда. Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби ва муддати

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза у судга келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кундан ошмаган муддатда, ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда кўриб чиқилади.

Тегишли тарзда хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги аризани кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

324³⁵-модда. Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари юзасидан суд томонидан қабул қилинадиган ажрим

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари юзасидан суд аризани қаноатлантириш ва илгари ўзи қабул қилган суд ҳужжатини бекор

қилиш ҳақида ёки аризани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари юзасидан чиқарилган ажримнинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари юзасидан чиқарилган суд ажрими устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Янги очилган ҳолатлар бўйича қонуний кучга кирган суд ҳужжати бекор қилинган тақдирда, илгари ўзи қабул қилган суд ҳужжатини бекор қилган суднинг ўзи ишни ушбу Кодексда белгиланган умумий тартибда такроран кўради»;

21) **339-моддадаги** «маъмурий ишлар бўйича судьяга» деган сўзлар «маъмурий судга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **343-моддадаги** «маъмурий ишлар бўйича судья» деган сўзлар «маъмурий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган **«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»**ги 670–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 170-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **19-моддасининг матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 102 — 121-моддалари қоидаларига кўра» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига кўра» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги 258–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **38-моддасининг учинчи қисмидаги** «Хўжалик» деган сўз «Иқтисодий» деган сўз билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрда қабул қилинган **«Ҳакамлик судлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–64-сонли Қонуни

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 541-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **3-моддасининг иккинчи хатбошисидаги, 32-моддасининг тўртинчи қисмидаги, 51-моддасининг тўртинчи қисмидаги, 52-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларидаги «Хўжалик» деган сўз «Иқтисодий» деган сўз билан алмаштирилсин.**

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»**ги ЎРҚ-378-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-445-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 509-модда) **1-моддаси учинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «хўжалик процессуал» деган сўзлар «иқтисодий процессуал» деган сўзлар билан алмаштирилсин.**

8-модда. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисида»**ги 477–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова);

2) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»**ги 477а–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисида»**ги 478–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 234-модда);

4) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»**ги 479–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 235-модда);

5) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 621–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда) **I бўлимнинг 17-банди;**

6) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 163–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон

тон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 11-модда) **II** ва **III** бўлимлари;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 405–II-сонли Қонуни-нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 165-модда) **X** бўлими;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 535–II-сонли Қонуни-нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 149-модда) **XVIII** бўлими;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 568–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 18-модда) **XVIII** бўлими;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 671–II-сонли Қону-нининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 171-модда) **XII** бўлими;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 19-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–43-сонли Қонуни (Ўзбе-кистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 373-модда);

12) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 августда қабул қилинган **«Ҳакамлик судлари тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қону-ни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республи-касининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–106-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-мод-да) **3** ва **4-моддалари**;

13) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 9 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 2382-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–149-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палата-ларининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 185-модда);

14) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси-га ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–184-сонли Қо-нуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборот-номаси, 2008 йил, № 9, 490-модда);

15) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрда қабул қилин-

ган **«Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–197-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда) **18-моддаси**;

16) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январда қабул қилинган **«Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–199-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 1, 1-модда) **4** ва **5-моддалари**;

17) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 11 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–218-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 332-модда);

18) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнда қабул қилинган **«Суд экспертизаси тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–250-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 6, 231-модда) **3** ва **4-моддалари**;

19) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Адлия органлари ва муассасалари фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–255-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 335-модда) **7-моддаси**;

20) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–288-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 104-модда) **4** ва **5-моддалари**;

21) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрда қабул қилинган **«Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–335-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 9/2, 244-модда) **4** ва **5-моддалари**;

22) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–352-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда) **22** ва **23-моддалари**;

23) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–355-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 10, 263-модда) **17-моддаси**;

24) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–372-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 130-модда) **14** ва **15-моддалари**;

25) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–373-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда) **15-моддаси**;

26) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–381-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 343-модда) **12-моддаси**;

27) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 июнда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–388-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 228-модда) **5-моддаси**;

28) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–391-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 312-модда) **13** ва **14-моддалари**;

29) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–396-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда) **16-моддаси**;

30) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–411-сонли Қо-

нунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 276-модда) **9-моддаси**;

31) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартда қабул қилинган **«Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–421-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 3, 47-модда) **6-моддаси**;

32) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелда қабул қилинган **«Судлар тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–428-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 4, 136-модда) **2 ва 3-моддалари**;

33) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июнда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–436-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 6, 300-модда) **19-моддаси**;

34) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–446-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **34-моддаси**;

35) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 16 октябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–448-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 10, 605-модда) **9 ва 10-моддалари**.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳуқумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда унинг моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминласин.

11-модда. Ушбу Қонун 2018 йил 1 апрелдан эътиборан кучга кирази.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 январь,
ЎРҚ-463-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

84 **Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида***

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 6 декабрдаги ПФ-5276-сон Фармониغا мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ бошқаруви раиси Н.С. Отажонов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.В. Тохирий зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 январь,
66-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 февралда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 30 январдаги 66-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани
Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали
олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш
ҚОИДАЛАРИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 6 декабрдаги ПФ-5276-сон Фармониغا мувофиқ жисмоний шахслар (Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари) томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини белгилайди.

Ушбу Қоидалар дипломатик дахлсизликка эга бўлган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган ва олиб чиқиб кетиладиган 2000 (икки минг) АҚШ доллари эквивалентидан ортиқча миқдордаги нақд хорижий валюта унга декларация тўлдириш ва божхона органи ходимига тақдим этиш йўли билан божхона назоратидан ўтказилади.

Бунда йўловчи божхона декларациясида олиб кириладиган ёки олиб чиқиб кетиладиган нақд хорижий валютанинг жами суммаси кўрсатилади.

3. Жисмоний шахснинг хоҳишига кўра эквиваленти 2 000 (икки минг) АҚШ долларига тенг ёки ундан ошмайдиган миқдордаги нақд хорижий валюта декларацияланиши мумкин.

2-боб. Нақд хорижий валютани олиб кириш

4. Жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона назорати қоидаларига риоя қилган ҳолда чекланмаган миқдорда нақд хорижий валютани олиб киришга рухсат этилади.

3-боб. Нақд хорижий валютани олиб чиқиб кетиш

5. Ўзбекистон Республикаси ташқарисига нақд хорижий валютани эркин олиб чиқиб кетиш жисмоний шахсларга эквиваленти 5 000 (беш минг) АҚШ долларига тенг ёки ундан ошмайдиган миқдорда божхона назорати қоидаларига риоя қилган ҳолда рухсат этилади.

Белгиланган суммадан ортиқча маблағни олиб чиқиб кетиш:

резидентлар томонидан — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсатномаси асосида амалга оширилади, ушбу рухсатномада олиб чиқиб кетиладиган нақд хорижий валютанинг жами суммаси кўрсатилади;

норезидентлар томонидан — Ўзбекистон Республикасига кириш чоғида тўлдирилган йўловчи божхона декларацияси асосида амалга оширилади, ушбу декларацияда нақд хорижий валюта суммаси олиб чиқиб кетилаётган нақд хорижий валюта суммасидан кам бўлмаган миқдорда кўрсатилган бўлиши лозим.

Норезидентлар — республикада белгиланган тартибда ташкил қилинган мусобақалар, танлов ва олимпиадаларнинг совриндорлари ёки қатнашчилари томонидан белгиланган суммадан ортиқча нақд хорижий валюта олиб чиқиб кетилаётганда нақд хорижий валюта олинганлигининг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжат улар томонидан ушбу нақд хорижий валютани олиб чиқиб кетиш учун асос ҳисобланади.

6. Эквиваленти 5 000 (беш минг) АҚШ долларида ортиқча нақд хорижий валютани олиб чиқиб кетиш учун асос бўлган ҳужжатни бошқа шахсларга беришга йўл қўйилмайди.

7. Резидент томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсатномасини ва норезидент томонидан Ўзбекистон Республикасига кириш чоғида тўлдирилган йўловчи божхона декларациясини ишлатиш бир мартаба амалга оширилади ва келгусида эквиваленти 5 000 (беш минг) АҚШ долларида ортиқча нақд хорижий валютани олиб чиқиб кетиш учун асос сифатида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

8. Жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтаётганларида нақд хорижий валютанинг ҳаққоний ва тўғри декларацияланганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

9. Жисмоний шахслар божхона органлари ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 30 январдаги 66-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада нақд хорижий валютанинг муомалада бўлишини тартибга солиш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида» 1996 йил 31 октябрдаги 376-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон

Республикаси Ҳукуматининг қарорларини тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳамда айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 1998 йил 16 апрелдаги 161-сон қарорига 2-илованинг 9-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 263-қарорига илованинг 1-банди тўртинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 30-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси божхона чегаралари орқали жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида» 2009 йил 5 октябрдаги 268-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2009 й., 41-сон, 442-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида» 2016 йил 20 январдаги ЎРҚ–400-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» 2016 йил 20 январдаги ЎРҚ–401-сон қонунлари)» 2016 йил 20 июндаги 211-сон қарорига 1-илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 6-сон, 59-модда).

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**85** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили лавозимини жорий этиш тўғрисида» 2017 йил 28 сентябрдаги ПҚ-3294-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили лавозимини жорий этиш тўғрисида» 2017 йил 28 сентябрдаги ПҚ-3294-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қўшимчалар киритилсин.
2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 январь,
67-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 30 январдаги 67-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси судьяларини, адлия органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида» 1993 йил 9 июлдаги 343-сон қарорида:

а) 3-илованинг изоҳи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Изоҳ.

Қуйидагилар:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида бошқарув ходими сифатидаги ишлаш даври кўп йил ишлаганлиги учун устамалар тўлаш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Хуқуқий экспертиза, халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармасида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосари ва унинг аппарати етакчи мутахассиси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили ва унинг аппарати мутахассислари сифатидаги ишлаш даври кўп йил ишлаганлиги учун устама тўлаш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади»;

б) 4-иловининг изоҳи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Изоҳ.

Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида бошқарув ходими сифатидаги ишлаш даври мартаба даражалари олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Хуқуқий экспертиза, халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармасида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосари ва унинг аппарати етакчи мутахассиси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили ва унинг аппарати мутахассислари сифатидаги ишлаш даври мартаба даражалари олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 майдаги 81-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати тўғрисидаги низом 14-бандининг тўққизинчи хатбошига «Бош вазир ўринбосарлари аппаратлари» сўзларидан кейин «шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили» сўзлари қўшилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 29 мартдаги 93-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 3-сон, 22-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг мартаба даражалари тўғрисидаги низомнинг 5-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакилига ва унинг аппарати мутахассисларига илгариги иш жойида мартаба даражалари берилган бўлса навбатдаги мартаба даражалари конун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторинги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2011 йил 5 августдаги 227-сон қарориди:

а) 5-банднинг биринчи хатбошига «ахборот-таҳлил департаментлари мудирлари» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили» сўзлари қўшилсин;

б) 1-иловада:

қуйидаги мазмундаги 14¹-банд қўшилсин:

«14¹. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили қонун лойиҳаларига оид ишлар дастури сифатли тайёрланиши ва ўз вақтида киритилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратида пухта ишлаб чиқилиши ва ахборот берилиши учун жавоб беради»;

қуйидаги мазмундаги 26¹-банд қўшилсин:

«26¹. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили қонун лойиҳаларига оид ишлар дастурлари ижросининг мониторингини олиб боради, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг қонун лойиҳаларига оид ишлар дастурини ўз вақтида ва сифатли ижро этишларига доир ишларини мувофиқлаштиришда иштирок этади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 26 апрелдаги 180-ф-сон фармойиши билан тасдиқланган Ислон Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропортида алоҳида муҳим йўловчиларга хизмат кўрсатиш зали тўғрисидаги низомга илова 1-рўйхатининг рус тилидаги 4.4-бандига «а также Полномочный представитель Кабинета Министров Республики Узбекистан в Олий Мажлисе Республики Узбекистан» сўзлари қўшилсин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

86 Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича намунавий шартномани тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
29 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2966*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ–2883-сон «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 421-сон «Ички ишлар органлари кўриқлаш хизмати фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги ва Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича намунавий шартнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 20 мартдаги 8, 23, 01/19-26/11-сон «Қўриқлаш бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисида намунавий шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2573, 2014 йил 8 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 15-сон, 173-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 4 январь,
1-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 29 январда эълон қилинган.

Молия вазири**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 4 январь,
1-сон

**Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси**

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 4 январь,
01/15-1-10/01-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги,
Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитасининг 2018 йил 4 январдаги
1, 1, 01/15-1-10/01-сон қарорига
ИЛОВА

**Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА**

_____ ш. _____-сон 20__ йил «__» _____

_____ кўриқлаш бошқармаси номидан Низом
(тўлик номи)

асосида фаолият юритувчи _____
(Ф.И.О.)

(кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан _____
(тўлик номи)

номидан _____ асосида фаолият юритувчи _____
(лавозими, Ф.И.О.)

(кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) иккинчи томондан, бир-
галикда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани қўйидагилар ҳақида
туздилар:

1-боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи ички ишлар органи, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик қўриқ-
лаши кўринишида техник қўриқлаш пунктидан (кейинги ўринларда ТҚП деб
юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкани қўриқлаш хизма-

тини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар

2. Буюртмачи _____

(кўриқлаш тури кўрсатилади (ички ишлар органи, соқчилик, ҳарбийлаштирилган)

(постлар сони, чегаралари, алоҳида хона, кўриқлаш вақти)

(объектнинг тўлиқ номи, жойлашган манзили)

(кейинги ўринларда объект деб юритилади) Ижрочига топширади, Ижрочи қабул қилади.

3. Объектнинг кўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник кўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник кўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан кўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни кўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда ___ иш куни ичида ички ишлар органи кўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда соқчилик кўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган кўриқлаш объектга ___ иш куни ичида йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белги-ланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

пост-соат ҳисобида кўриқлаш хизмати ойига _____ сўм,
12 ойга _____ сўм;

Ижрочи балансида турган соқчи итни сақлаш учун ойига _____ сўм,
12 ойга _____ сўм.

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш конун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, _____ кун ичида мазкур Шартнома баҳосининг 15 фоизи миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи беш кун ичида аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловни амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи миқдорида аванс тўловини кейинги ой бошлавишидан 10 кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишни талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 20____ йил «____» _____даги кўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник қўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлар-

аро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

хар қандай моддий қимматликларни объект худудининг девор тўсиғидан _____ метр узокликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, қўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча қўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида _____ кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида қўриқлаш сигнализациясини ёқиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда қўриқлашга топшириш. Объектни қўриқлашга топширганлик ҳақида ТҚПни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг қўриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик қўриқлашга топшириш, эшиклар кулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном қўриқлаш сигнализациясини ва худуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, қўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

қўриқланаётган худудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортиментни, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объект-

ларни, алоҳида хоналарни қўриқлашга топшириш, қўриқлаш тугагандан сўнг қўриқлашдан чиқариш;

қўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунига қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга қўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пулт рақамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш.

15. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган қўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

16. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ қўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда қўриқлашга топширилган моддий қимматликларни қўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

қўриқланаётган ҳудуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктдан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни қўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни қўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектадаги техник мустаҳкамлик бўйича ва қўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чорақда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

қўриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида ички ишлар органининг навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, ички ишлар органи вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамадан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижа-сида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда;

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-боб. Форс-мажор

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер кимираши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бево-сита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечикти-

рилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8-боб. Яқуний қоидалар

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда вазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича — белгиланган тартибда вазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати туғашидан ____ кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида ____ кун олдин ёзма равишда маълум қилади.

35. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутовчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

Ижрочи

(тўлиқ номи)

Юридик манзили: _____

Банк реквизитлари: _____

МФО: _____

СТИР: _____

ИФУТ: _____

(лавозими, Ф.И.О.)

(имзо, муҳр)

Буюртмачи

(тўлиқ номи)

Юридик манзили: _____

Банк реквизитлари: _____

МФО: _____

СТИР: _____

ИФУТ: _____

(лавозими, Ф.И.О.)

(имзо, муҳр (муҳр мавжуд бўлган тақдирда))

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА
 ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИНING
 ҚАРОРИ

87 «Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2009-2

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги ПҚ–1051-сон «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси **қарор қилади:**

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й.

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009 йил 16 августдаги 2009-21, 83, 01-02/8-14, 5-сон «Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2009, 2009 йил 19 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 39-сон, 428-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2016 йил 16 майдаги 2016-12, 31, 01-02/8-37, 2-сон «Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2009-1, 2016 йил 19 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 20-сон, 229-модда).

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 январь,
2018-05-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 январь,
8-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. ТОХИРИЙ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 январь,
01-02/8-5-сон

**Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси**

Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 январь,
2018-1-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

88 «Бензин, дизель ёқилғиси ва авиакеросин учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2254-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 10 августдаги 50-сон «Бензин, дизель ёқилғиси ва авиакеросин учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2254, 2011 йил 16 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 32-33-сон, 341-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 январь,
10-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

89 «O`ZBEKISTON POCHTASI» AJнинг почта алоқасининг минтақавий (вилоят) ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари орқали пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2394-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 мартдаги ПҚ–2826-сон «Пенсиялар ва нафақалар тўлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор «O`ZBEKISTON POCHTASI» AJ ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 январь,
9-сон

**Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири в. б.**

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 январь,
160-мх-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 февралда эълон қилинган.

Келишилган:

«O`ZBEKISTON POCHTASI»

А/ Бош директори

2018 йил 19 январь

Ш. АТАМУХАМЕДОВ

Марказий банк раиси

2018 йил 19 январь

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини ривожлантириш
вазирлигининг 2018 йил 19 январдаги
9 ва 160-мх-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2012 йил 15 августдаги 58 ва 10-8/2927-сон «O`ZBEKISTON POCHTASI» А/нинг почта алоқасининг минтақавий (вилоят) ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари орқали пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2394, 2012 йил 28 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 40-сон, 470-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2014 йил 19 ноябрдаги 76 ва 89-мх-сон «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг почта алоқасининг минтақавий (вилоят) ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари орқали пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2394-1, 2014 йил 15 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 51-сон, 613-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2015 йил 16 мартдаги 23 ва 99-мх-сон «O`ZBEKISTON POCHTASI» А/нинг почта алоқасининг минтақавий (вилоят) ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари орқали пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш-

лар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2394-2, 2015 йил 24 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 12-сон, 143-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

92 «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида товарларни расмийлаштиришда божхона юк декларациясини тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2154-2*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 15 октябрдаги 01-02/12-24-сон «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида товарларни расмийлаштиришда божхона юк декларациясини тўлдириш қоидалари тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2154, 2010 йил 12 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 46-сон, 418-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 30 мартдаги 01-02/12-15-сон «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида товарларни расмийлаштиришда божхона юк декларациясини тўлдириш қоидалари тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2154-1, 2016 йил 12 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 152-модда).

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 февралда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. ТОХИРИЙ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 январь,
01-02/12-10-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

93 **Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисида-
ги низомнинг 5-иловасига ўзгартириш киритиш
хақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2893-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ–5264-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ–3416-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/3-сон қарори (рўйхат рақами 2893, 2017 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 568-модда) билан тасдиқланган Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомнинг 5-иловаси 4-бандидаги «Фан ва технологиялар агентлиги» деган сўзлар «Инновацион ривожланиш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси, Жис-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 феврал эълон қилинган.

моний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий аттестация
комиссияси раиси**

А. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 январь,
249/6-сон

Келишилди:

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

И. МАДЖИДОВ

2018 йил 23 январь

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

2018 йил 23 январь

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

2018 йил 23 январь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 24 январь

Маданият вазири

Б. САЙФУЛЛАЕВ

2018 йил 24 январь

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг
биринчи ўринбосари*

А. ВАХАБОВ

2018 йил 24 январь

*Фанлар академияси
президенти*

Б. ЮЛДАШЕВ

2018 йил 25 январь

*Жисмоний тарбия ва спорт
давлат қўмитаси раиси*

Р. КУРБАНОВ

2018 йил 25 январь

*Инновацион
ривожланиш вазири*

И. АБДУРАХМОНОВ

2018 йил 25 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИҒИНИНГ
БУЙРУҒИ

95 «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида ҳаво кемаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2214-2*

Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенциянинг талабларига мувофиқ бўлмаган ёки 25 йил ва ундан ортиқ бўлган календарь хизмат муддати ўтган самолётлар учун ўрнатилган чекловлар амал қилиш муддати тугаганлиги муносабати билан, **буюраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 5 апрелдаги 43-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида ҳаво кемаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2214, 2011 йил 11 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2011 й., 15-сон, 153-модда);

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2012 йил 13 мартдаги 18-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида ҳаво кемаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруқнинг 1-бандига ўзгар-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 февралда эълон қилинган.

тириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2214-1, 2012 йил 28 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2012 й., 13-сон, 149-модда).

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 январь,
108-н-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**96 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 7-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2018 йил 29 январдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2018 йил 5 январдаги 02-1/03-15-сон Аҳоли яшаш жойларида оқова сув ва сув қувурларидан техник фойдаланиш қоидаларини (рўйхат рақами 7, 1993 йил 27 декабрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш масаласи юзасидан хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги то-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 февралда эълон қилинган.

монидан тасдиқланган Аҳоли яшаш жойларида оқова сув ва сув қувурларидан техник фойдаланиш қоидалари (рўйхат рақами 7, 1993 йил 27 декабрь) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

*Вазирнинг биринчи
ўринбосари*

Н. Жўраев

Тошкент ш,
2018 йил 1 февраль,
62-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 27 январдан 2 февралгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 4 январдаги 1, 1, 01/15-1-10/01-сон «Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича намунавий шартномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 29 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2966.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2018 йил 17 январдаги 2018-05, 8, 01-02/8-5, 2018-1-сон «Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2009-2.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 19 январдаги 10-сон «Бензин, дизель ёқилғиси ва авиакеросин учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақидаги»ги буйруғи.

2018 йил 1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2254-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 19 январдаги 9, 160-мҳ-сон «O'ZBEKISTON POCHTASI» АЈнинг почта алоқасининг минтақавий (вилоят) ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари орқали пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2394-3.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2018 йил 22 январдаги 2018-1-сон «Хусусийлаштириш инвестиция фондларининг акцияларини дастлабки тарқатишда аҳолига сотиш тартиби, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 608-5.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 22 январдаги 01-02/22-7-сон «Божхона қонунчилигини бузган шахсларни маъмурий ушлаб туриш тартиби тўғрисидаги низом, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 717-2.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 26 январдаги 01-02/12-10-сон «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида товарларни расмийлаштиришда божхона юк декларациясини тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2154-2.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2018 йил 26 январдаги 249/6-сон «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомнинг 5-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2893-1.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2018 йил 29 январдаги 3-сон «Ер ости бойликларини геологик ўрганиш бўйича ишларни ривожлантириш истиқболлини шакллантириш бўйича йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 735-1.

10. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 23 январдаги 108-н-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида ҳаво кемаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2214-2.

11. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 1 февралдаги

62-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 7-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Қўриқлаш бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисида намунавий шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2573, 2014 йил 8 апрель).

Адлия вазирининг 2018 йил 29 январдаги 52-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг «Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2009, 2009 йил 19 сентябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2009-1, 2016 йил 19 май).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 февралдаги 53-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Бензин, дизель ёқилғиси ва авиакеросин учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2254, 2011 йил 16 август).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 февралдаги 54-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «O'ZBEKISTON POCHTASI» АЖнинг почта алоқасининг минтақавий (вилоят) ташкилотлари ва почта алоқаси объектилари орқали пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2394, 2012 йил 28 сентябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2394-1, 2014 йил 15 декабрь), (рўйхат рақами 2394-2, 2015 йил 24 март).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 февралдаги 55-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Хусусийлаштириш инвестиция фондларининг акцияларини дастлабки тарқатишда аҳолига сотиш тартиби (рўйхат рақами 608, 1999 йил 21 январь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 608-1, 2001 йил

5 сентябрь), (рўйхат рақами 608-2, 2008 йил 19 декабрь), (рўйхат рақами 608-3, 2014 йил 11 март), (рўйхат рақами 608-4, 2014 йил 3 июль).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 февралдаги 56-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Божхона қонунчилигини бузган шахсларни маъмурий ушлаб туриш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 717, 1999 йил 7 май), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 717-1, 2008 йил 7 февраль).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 февралдаги 57-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида товарларни расмийлаштиришда божхона юк декларациясини тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори (рўйхат рақами 2154, 2010 йил 12 ноябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2154-1, 2016 йил 12 апрель).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 февралдаги 58-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

8. Ер ости бойликларини геологик ўрганиш бўйича ишларни ривожлантириш истиқболини шакллантириш бўйича йўриқнома (рўйхат рақами 735, 1999 йил 25 май).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 февралдаги 60-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

9. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида ҳаво кемаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2214, 2011 йил 11 апрель), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 2214-1, 2012 йил 28 март).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 февралдаги 61-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

10. Аҳоли яшаш жойларида оқова сув ва сув қувурларидан техник фойдаланиш қоидалари (рўйхат рақами 7, 1993 йил 27 декабрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 февралдаги 62-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

